



**ЯНГИ ДОРИ
ИХТИРО
ҚИЛИНДИ**



**ИЖТИМОЙ
ХИМОЯ
МУХИМ
ЭТИБОР**




**ФАХРИЙЛАР ВА
ЁШЛАР УЧРАШИШИ**



**ЖИНОЯТ
ЖАЗОСИЗ
ҚОЛМАЙДИ**

ДУШАНБА



ТОШКЕНТ О'QSHOMI

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 146 (9.949)

2003 ЙИЛ 28 ИЮЛЬ

ПОЙТАХТНИНГ Бир КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА сатрларда

□ **ШАҲРИМИЗДА** «Соғлом авлод учун» жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Бадий академияси ҳамкорликларида Ўзбекистон халқ рассоми Рўзи Чориев ва хайкалтарош Азамат Ҳотамов асарлари кўргазмаси намойиш этилди.

□ **РЕСПУБЛИКА** ихтисослаштирилган кардиология марказига хориждан замонавий тиббий жиҳозлар келтирилди. Сентябрь ойидан эса ушбу марказнинг олти нафар илмий ходими Москва шаҳри тиббиёт муассасаларига малака ошириш учун жўнаб кетди.

□ **РЕСПУБЛИКА** ўқувчилар саройида анъанавий япон миллий ўйинлари Япония маданият маркази билан ҳамкорликда ўтказилди.

□ **ТОШКЕНТ** шаҳар ҳокимлигида Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуаси ва «Меҳр таянчи» Тошкент шаҳар оғир шароитларда бўлган болалар учун ижтимоий хизматни ривожлантириш маркази ҳамкорлигида «Алоҳида эътиборга муҳтож болалар: муаммо ва ечимлар» мавзуйда конференция бўлиб ўтди.

□ **«ЭКОСАН»** халқаро жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими Бектемир туман хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда «ЭКОСАН» — маҳаллада» мақсадли дастури доирасида «Роҳат» маҳалласида экологик учрашув ташкил этди. Тадбир сўнгида «ЭКОСАН» халқаро жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими томонидан кам таъминланган оилалар вақилларига ўрин-кўрпа анжомлари ва аёллар халатларидан иборат 130 минг сўмлик хайрия ёрдами кўрсатилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

«Тошкент машина-созлик корхонаси» акциядорлик жамиятида кейинги йилларда бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, буюртмалар асосида сифатли маҳсулотлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

СУРАТДА: йигувчипайвандчи Эргаш Фозиев двигатель йиғиш жараёнида.



ЛЕОНИД ЛЕВИТИННИНГ ЯНГИ КИТОБИ:

«ЎЗБЕКИСТОН: ҚАРИМОВ ДАВРИ»

Москвада «Варгиус» нашриётида профессор Л. И. Левитиннинг «Ўзбекистон: Қаримов даври» китоби нашр этилди. Мазкур китоб муаллифининг «Ўзбекистон: тарихий бурилиш палласида» китобининг иккинчи тўлдирилган ва қайта ишланган нашридир.

Биринчи нашрдан фарqli ўлароқ, мазкур китобга «Ал-Бухорий сабоқлари» ва «Буюк ипак йўли — келажак сари йўл» деб номланган иккита янги боблар қўшилган.

Янги китобга 2001-2002 йиллар давомида янги сиёсий воқеаликлар натижасида юзага келган, халқаро ҳаётда содир бўлган муҳим воқеа-ҳодисалар, халқаро терроризмнинг, дунё ҳамжамиятига қарши курашнинг фаоллашуви билан боғлиқ бўлган долзарб қўшимча маълумотлар киритилган.

Китоб муаллифи прогрессив ва реакциясиз тенденцияларнинг ер юзиде кескин тус олган кураши шариоитида юзага келган янги давлатлар ва хавфларнинг ифодаси ўлароқ, Ўзбекистоннинг ушбу галвали дунёдаги ўрни ва позициясига эътибор қаратишга ва уни атрофлича таҳлил қилишга, шунингдек Президент И. А. Каримовнинг мазкур мураккаб халқаро жараёнлардаги аниқ ролини очиб беришга ва ёритишга ҳаракат қилган.

Китобнинг иккинчи нашрига киритилган «Ал-Бухорий сабоқлари» деб номланган янги боби ислом ва дунёвий давлат ҳамда ислом динининг дунёдаги бошқа динлар билан муносабатига, ислом дунёсиде ифодаси бўлган сўнги таълимотлар билан ўзаро муносабатига, биринчиси галда радикал исломнинг дунё ҳамжамиятига даъвати билан боғлиқ бўлган муаммоларда Ўзбекистоннинг роли ва ўрни масалаларига бағишланган.

Ушбу бобда Л. Левитин «Ал-Қоида» ва ваҳҳобийлик, жиҳод ва шаҳидлар, Ўзбекистон ислом ҳара-

кати (ЎИХ), Хиёб-уг-Таҳрир ал-исломий ва уларнинг халқаро терроризм билан ўзаро боғлиқлиги каби тушунчалар тўғрисида фикр юритади.

Л. Левитиннинг сўнги нашрига киритилган янги боблардан яна бири «Буюк ипак йўли — келажак сари йўл» деб номланади. Ушбу тушунчани муаллиф унинг тарихий оҳанг талқинида, яъни глобализмнинг пайдо бўлиши, дунё иқтисодиётига янада қучуқроқ кириб бориши, шунингдек, жиддий иқтисодий юксалишга эришиш ва мазкур жараёнга жалб этилган давлатларнинг фаровонлигига асосий омил сифатида эътибор қаратади.

Китобнинг ниҳоясида муаллиф яна бир қарра Президент И. А. Каримовнинг ўзбек халқининг буюк тарихий маънавий қадриятларини тиклашдаги, шунингдек, матонат ва собитқадамлик билан динни никоб қилиб олган диний экстремизмга ва террорга қарши курашувчи, юксак ислом маданиятига асосланган ҳақиқий дунёвий давлат барпо этишдаги савий-ҳаракатларига юксак баҳо беради.

Профессор Л. Левитиннинг тарих ва мустақил Ўзбекистон тараққётининг замонавий босқичига оид янада бой ахборот-таҳлилий маълумотлар билан йўғрилган янги асари, биринчиси каби мамлакатимиз тўғрисида батафсил, муҳими ишонарли ва бегараз маълумот олишга интилувчи кўпсонли китобхонларни ўзига жалб қилиши шубҳасиз.

Музаффар ЗОХИДОВ,
«Жаҳон» АА.

Йиғилишда сўзга чиққанлар «Маҳалла куни»га атаб ташкил этилаётган маданий дастурнинг мазмун, моҳияти ва унинг иштирокчилари, туманларда ўтказилаётган тадбирлар, байрамда иштирок этувчилар хавфсизлигини таъминлаш юзасидан тайёргарлик хусусида тўхталиб ўтишди. Мутасадди ташкилотларга тегишли вазифалар берилди.

XVI сароси

Барча малбалардан олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

- Тошкентдаги Марказий Офицерлар уйда Марказий Осиёда ягона бўлган Ўзбекистон Куролли Кучлари академиясининг бу йилги битирувчиларига дипломлар топшириш маросими бўлиб ўтди. 60 нафар магистрлар шу ернинг ўзида ҳарбий қисмларга йўланмалар олишди.
- Мустақиллик байрами арафасида Чиноз туманида яна иккита кишлок шифокорлик пункти фойдаланишга топширилади. Собир Раҳимов номидеги ширкат хўжалигида 5 минг кишига хизмат кўрсатувчи шифохона қуриб битказилди. Охунбобоев номидеги ширкат хўжалигининг Яллама кишлогиде қурилаётган врачлик пункти эса 11 минг кишига хизмат қилади.
- Хоразм вилоятидаги Тупроққалъа даҳасида Ҳазорасп туманидаги педагогика касб-хунар коллежининг филиали очилди. Бу ерда маҳаллий умумтаълим мактаблари битирувчилари ва уларнинг ота-оналари учун очик эшиклар куни ўтказилди.
- Гурлан туманидаги Момоқўпир кишлогиде янги бошлангич мактаб барпо этилди. 1 сентябрь куни ушбу мактаб ўзининг илк ўқувчиларини қабул қилади.
- Қарши шаҳрида САФЕнинг вилоят бўлими қошида дастлабки халқаро кутубхона ўз фаолиятини бошлади. Унда инглиз тилидаги тарих, санъат, маданият ва иқтисодиётта оид 1000 та турли хил ва бадий ўқув адабиётлари, шунингдек, 80 та видеокассеталар мавжуд.
- Тошкент вилоятидаги «Интер Роҳат» қўшма корхонасида Германиянинг «Штайнекер» фирмаси мутахассислари иштирокида янги замонавий усқуналар ўрнатиш ишлари бошланди.

Жаҳонда

- Фаластин мухторияти бош вазири Махмуд Аббос Оқ уйда АҚШ Президентини Жорж Буш билан учрашиб, Яқин Шарқдаги вазият юзасидан музокаралар ўтказди. Музокаралар натижасида Фаластин мухториятига молиявий ёрдам тарихида 20 миллион АҚШ доллари ахратилади-кан бўлди.
- Кеча Кубада миллий байрам — Кўзғолон кунининг 50 йиллиги оммавий халқ сайиллари, эстрада юлдазлари ва мамлакат раҳбари Фидель Кастронинг чиқishi оркали кенг нишонланди.
- Москвада II жаҳон урушида кескин бурилиш ясаган Орлов-Курск жангида қозонилган тарихий ғалабанинг 50 йиллиги ҳам кенг нишонланди.
- Санкт-Петербург вилоятининг Виборг шаҳрида рицарлар фестивали бўлиб ўтди. Унга яқин атрофдаги вилоятлардан, ҳатто Германиядан ҳам ўрта аср «рицар»лари ташриф буюрди.

**Оламда
нима гап?**

**Жаҳон ва маҳаллий
ахборот воситалари
хабарларидан**

◆ Афғонистоннинг Покистон билан chegaradoш Спинболдан шаҳрида собиқ Толибон ҳаракатининг 24 нафар аъзоси йўқ қилинган. Маълум бўлишича, халқаро тинчликпарвар кучлар аскарлари кетаётган автоколоннага қўқисдан ҳужум бошланганидан сўнг, икки ўртада куролли тўқнашув юзага келган. Афғонистондаги АҚШ кўмондонлигининг билдиришича, тўқнашув вақтида жангариларнинг беш нафари ўлдирилган. Уларга ёрдамга келган вертолёт кўмағида қолган 19 жангари ҳам йўқ қилинган.

◆ Хитойнинг Чанчун шаҳрида уюштирилган ким ошди савдосида 1907 йилда ишлаб чиқарилган «Роллс Ройс» автомобилнинг макети сотилди. Хитойлик уста Хан Янлин томонидан ёғочдан ясалган автомобиль макети 95 минг юанга (ўн бир минг тўрт юз қирқ олти АҚШ доллариغا тенг) баҳоланди.

◆ Буюк Британия Бош вазир Тони Блэр Пекинда Хитой ҳукумати билан музокаралар ўтказган, дея хабар беради BBC News. Унинг Хитой раҳбари Ху Цзиньтао ва бош вазир Вен Жибаолар билан учрашуви чоғида асосий эътибор Шимолий Кореянинг ядровий дастурига қаратилди. Шимолий Корея эса Қўшма Штатлардан ҳужум қилмаслик бўйича шартнома тузишни талаб этаётган бир пайтда CNN телеканали Шимолий Кореяда янги ядровий объект топилганлиги ҳақида хабарлар тарқатган. Агентликнинг Пентагон ташкилотига таянган ҳолда эълон қилган маълумотида Пхеньянинг тоғли худудларидаги ер остида жойлашган махфий заводлари ҳақида тўхталинди.

◆ Кашмирдаги Ҳиндистон ҳарбий базасига ислом жангарилари томонидан уюштирилган ҳужум вақтида 7 нафар ҳинд аскари ҳалок бўлди, деб хабар беради BBC News. Шунингдек, 10 дан ортиқ аскар жароҳатланиб, жангариларнинг иккиси ҳам йўқ қилинган. Ҳинд ҳарбий формасида базага кириб борган 2 жангари тўсатдан ҳарбийларга қарата ўт оча бошлагандар. Икки ўртада юз берган тўқнашувда жангариларнинг ўзлари ҳам ўлдирилган. Ундан бир соат олдин эса Кашмирнинг Катра шаҳри яқинида юз берган портлаш туфайли ҳам ҳиндистонликлардан 7 нафари ҳалок бўлиб, 20 дан ортиги яраланган эди.

◆ Жаҳон киночарлари машҳур киноактёр ва шарқона яққаураш устаси Брюс Ли вафот этганининг 30 йиллигини нишонлаётир. У 1973 йилнинг июлида 30 ёшида мия фалажидан вафот этган эди. Шарқона яққаурашда ўз шахсий йўналишига асос қўлган Брюс Ли ўнлаб фильмларда суратга тушиб, ўзининг ноёб истеъдоди билан миллионлаб мухлисларнинг меҳрини қозонган эди.



Янги дори ишлаб чиқарилади

Пойтахтимизда «Ўзкимёфарм» очик акциядорлик жамиятида ҳозирги кунда кўп учрайдиган бўқоқ касаллигига яхши шифо берувчи «Микродид» препаратини ишлаб чиқариш устида фаолият бормоқда.

Ушбу дорини тайёрлашда корхонанинг илғор ходимлари Дилором Абдувоҳидова, Мубарак Алимовалар бош-қош бўлишмоқда.

Корхонада айни пайтда 380 дан ортиқ ишчи-ҳодим бўлиб, улар ҳафдори, кимё ва ампула цехларида фаолият олиб боришади. Шунингдек, ходимлар ҳозирда аскорбин, кардиамин, лидокаин инъекция эритмаларини, витамин препаратларини тайёрлаш устида ҳаракат қилишмоқда.

Жорий йилда корхона мутахассислари цехларни янги технологиялар билан қайта жиҳозлашни мақсад қилишган.

— Жамиятимиз келгусида Голландиянинг «Ворд вайт формацюцикл» фирмаси билан ҳамкорликда қўшма корхона тузиш

ниятида. Ҳозирда фирма корхонани хом ашё билан таъминлаб турибди, — дейди «Ўзкимёфарм» корхонаси касаба уюшмаси бошлиғи Дилдора Абдуллабекова. — Шунингдек, уюшмамизда ходимларнинг ижтимоий Ҳимоясига алоҳида эътибор берилган. Яхши дам меҳнатга ҳамдам. Шундай экан, ҳар бир ишчи билан жамоа шартномаси тузилиб, унда асосан аёлларнинг қулай меҳнат қилишлари учун тегишли имтиёзлар киритилган. Бу саломатлик йўлида меҳнат қилаётган ишчи-ҳизматчиларни янги изланишларга ундайди.

Озода РАҲМАТОВА

СУРАТЛАРДА: корхона цехларидаги иш жараёнидан лавҳалар.

Сергей Любич олган суратлар.



• ЭЪТИРОФ

Германиянинг экспорт соҳаси мутахассисларига мўлжалланган «Аусланд-курьер» журналининг июль сонида Ўзбекистон иқтисодий салоҳиятига бағишланган кенг қамровли мақола чоп этилди.

**Германия журнали
Ўзбекистон
иқтисодиёти хусусида**

Унда 12 йил аввал мустақилликка эришган республиканинг муваффақиятлари, юртимизда кечаётган иқтисодий ислохотлар жараёни ҳамда қулай инвестицион муҳити ҳақида батафсил маълумот берилган.

Мақолада айтилишича, ривожланишнинг ўзбек модели нафақат ислохотлар жараёнининг босқичма-босқич амалга оширилиши, балки унинг сиёсий ва иқтисодий барқарорлиқни мустаҳкамлашга қаратилган пухта режаларга асослангани билан ҳам диққатга сазовордир.

Мамлакатимиз иқтисодиёти хусусида мушоҳада юритилар экан, Ўзбекистоннинг Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорлигига алоҳида эътибор қаратилган.

— Ўзбекистон ЕТББ билан ҳамкорликда 20 дан зиёд лойиҳаларни амалга оширди. Умумий қиймати 1,4 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган ушбу лойиҳаларнинг 723,8 миллион доллари ЕТББ томонидан молиялаштирилган, — деб ёзади журнал.

Айниқса, мамлакатимиз иқтисодий муваффақиятининг эътирофи кўйидаги сатрларда яққол кўзга ташланган.

— Дунё бозорларига жадал кириб бораётган ёш мамлакатнинг тўла энергетик мустақилликка эришгани алоҳида ҳурмат ва эътиборга лойиқ. Мамлакатда 1995 йилдан буён четдан нефть келтирилмапти, 530 дан зиёд нефть ва газ конлари, қайта ишлаш корхоналари мавжуд.

Хулоса ўрнида журнал «Ўзбекистоннинг табиий бойликлари, унинг сўнгги йиллар давомида дунёнинг автомобиль ишлаб чиқарувчи давлатлари қаторидан жой олгани, халқаро молия ташкилотлари билан тобора мустаҳкамланиб бораётган алоқалари республикада иш олиб бориш истиқболли эканидан далолатдир,» — деб ёзади.

**Аслам Акбаров,
«Жаҳон» АА, Берлин.**

ШВЕЙЦАРИЯ СОАТЛАРИ ДЎКОНИ

Тошкентда Швейцариянинг сифатли ва жозибадор соатлари билан савдо қиладиган янги «CHRONOS» дўкони очилди.

Швейцария соат ишлаб чиқариш бўйича дунёда етакчи ҳисобланади. Бу мамлакатда ишлаб чиқарилган соат ишқибозлари унинг нарҳига қараб ўтирмайди. Зеро, энг сифатли соатларни арзон-гаровга сотиб олиб бўлмаслигини ҳамма яхши билади.

1998 йили Швейцариянинг «ELERON-KA» компанияси Ўзбекистонда биринчи «SWISS WATCHES» соатлар дўконини очган. Ўтган йиллар давомида олиб борилган иқтисодий алоқалар ўз самарасини бергач, Швейцария соатлари билан савдо қилувчи иккинчи дўконни очиб ҳақида келишиб олинди.

— Арзон, тез ишдан чикадиган бир нечта соат сотиб олгандан кўра, битта сифатли соат сотиб олган афзал, — деди дўкон очилиши маросимида

сўзга чиққан Швейцариянинг машҳур «Longines» компанияси президенти Валтер вон Каинел. — Тўғри, бизнинг фирма соатларига юқори нарҳлар белгиланган. Чунки улар ўз эгасига узок вақт хизмат қилишга аниқмат беради. Бу соатлар ҳар қандай харидорнинг диди ва талабига жавоб беради.

Мазкур фирма махсусотлари кўпчиликка яхши таниш. Шуниси эътиборга молиқки, бу соатлар механизми ва дизайни ҳар бир соҳа вакилларига мослаштириб ишлаб чиқарилади. Савдо дўконини очилиши маросимидан кейин ўтказилган матбуот анжуманида фирма вакиллари корхона фаолият ва имкониятлари хусусида журналистларга батафсил маълумот беришди.

ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ КОНИ ФЎЙДА

Шу йилнинг охиригача ўзбекистонлик яна саккиз нафар ўқитувчи иқтисодий таълим бўйича Америка миллий кенгаши (ИТМК-АҚШ) дастури бўйича «Тренерлар тайёрлаш» курсида ўқийди. Бу ҳақда «Туркистон-пресс» муҳбирига мувофиқлаштирувчи Светлана Тен куйидагиларни гапириб берди:

— Дастур иқтисодий таълим бўйича ўқитувчиларни интерактив усуллар асосида тайёрлашга, инновация фояларини очиб ва бу соҳада жаҳон тажрибасини ўрганишга йўналтирилган. МДХ ва Марказий Европанинг турли шаҳарларида бир йил давомида ўтказиладиган тўртта бир ҳафталик семинардан иборат. 2003-2004 йилларда ИТМК-АҚШ МДХ давлатларида иккита дастур бўйича 110 нафар тренер тайёрлайди. Ўз навбатида иштирокчилар ўрта ўқув муассасаларида иқтисодчи ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва янги услубларни тарқатиш соҳасида иш олиб бориши кутилди.

2001-2002 йилларда ўн нафар ўзбек ўқитувчилари Москва, Санкт-Петербург, Омск ва Алмати шаҳарларида таълим олинди. 1999 йилдан буён ўзбекистонлик 50 нафар ўқитувчи

ИТМК-АҚШ дастурида иштирок этди. Улар томонидан иқтисодиёт бўйича ўрта ва олий мактабларнинг 600 нафар ўқитувчиси тайёрланди. Шунингдек республика ўқув муассасаларида қўлланилаётган иқтисодий фанларни ўқитиш бўйича ўқув қўлланмалари ва услубий тавсиялар ишлаб чиқилди. Хусусан 2003 йилда республика таълим маркази ва Очик жамият институти — Қўмак жамғармаси томонидан «Мактабда иқтисодиёт. Ўқитишнинг фаол шакли ва услублари» услубий қўлланмаси нашр этилди. Ушбу китоб ИТМК-АҚШ дастурини ўтаган ўқитувчилар томонидан яратилди. Иккинчи йўналиш гарбдаги иқтисодий адабиётлар таржумаси ҳисобланади. Жумладан, ўзбек тилида «Асосий иқтисодий тушунчалар» ўқув қўлланмаси ҳам нашр этилди.

«Туркистон-пресс»

• МАДАНИЯТ

Сўлим гўша
тасвирлари —
фильмда

Халқаро ЮНЕСКО ташкилотининг «Дунё халқлари моддий ва номоддий меросини сақлаш ва эълон қилиш» бўлими томонидан амалга оширилган маданий тадбирлар жойларда қизиқарли уйғотмоқда. Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева шу нуфузли бўлимининг ҳайъат аъзоси сифатида фаолият кўрсатиб, қатор хайрли ишлар ташаббускори бўлди.

Хушовоз хонанда сайёҳаракати билан ўлкаимизнинг энг сўлим гўшаларидан бири саналган Бойсун туманига умумбашарий дурдоналар маскани деб ном берилди.

«Бойсун баҳори» деб номланган ҳужжатли фильм ҳам яратилди. У ҳозир дунё халқларининг ноёб маданиятини акс эттирувчи экран асари сифатида кўрсатилмоқда.

Ноёб кўлэзма
музейга
топширилди

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейида тарихий асарларнинг талайгина кўлэзмалари сақланмоқда. Бундай ноёб асарлардан бири «Кутли» деб номланади. XVIII асрда яшаб ижод қилган шоир Мавлоно Ризоийнинг бу дostonи ўз бадий қўймати билан ҳам эътиборни ўзига тартади.

Мумтоз адабиётимизнинг бу аjoyиб намунаси нодир кўлэзма сифатида Ўзбекистон халқлари Давлат музейига тақдим этилди. Гоё саводли ва нафис кўчирилган бу кўлэзма музейнинг ўзбек мумтоз адабиёти экспозициясининг қизиқарли экспонати сифатида томошабинлар эътиборига ҳавола этилмоқда.

Бадий
хунарманд-
чиликдан
сабоқлар

Тошкент қурилиш ва миллий хунармандчилик касб-хунар коллежи кўплаб малакали ёш мутахассисларни тайёрлаб бермоқда. Бу ерда бадий ўймакорлик, зардўзлик бўйича олиб борилган ўқув машғулотларида моҳир халқ усталарининг бой иш тажриба ва маҳоратлари оммалаштирилмоқда.

Ҳинда билим юртини талайгина ёш истеъод эгаси битириб чиқди. Уларнинг кўли «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмасида, «Малика», «Тонг» тикувчилик корхоналарида ишлаш учун йўланма олишди. Янги ўқув йилида коллеж амалий санъатнинг қатор йўналишлари бўйича ҳам кадрлар тайёрлашга киришади.

Акбар АЛИЕВ

Бугунги куннинг қадр-қиммати нималардан иборат? Бу савол ечимини бир неча босқичдан топиш лозим.

Биринчидан, халқимизнинг маданий қадриятлари маънавий мерослари қайтими?

Иккинчидан, оила ва қариндошлик муносабати қадр-қимматлари нималар билан боғлиқ?

Учинчидан, маданий, диний қадриятлар, уларда қандай ўзгаришлар рўй берди?

Тўртинчидан, ҳозирги дунё ва ахборот цивилизациясидаги қадриятлар қандай ривожланаётибди?

Маълумки, бирон-бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмаддан туриб, ўз келажagini, истиқболини тасаввур қила олмайди.

Минг йиллар мобайнида шарқ халқининг маданий қадриятлари, маънавий мероси тарбия ўчоғи бўлиб хизмат қилган.

Мустақиллигимизнинг илк кунларидан бошлаб кўп асрлар мобайнида яратилиб келган, биз учун муқаддас бўлган қадриятларимиз тиклана бошланди. Буюк аждодларимиз Ал-Бухорий,

Ал-Хоразмий, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Беруний, Фаробий, Ибн Сино, Навоий, Улуғбек, Бобур ва бошқа бутун дунёга машҳур Шарқ донишмандларининг бебаҳо мерослари, маънавий-ҳуқуқий қарашларини ўргатиш, ҳаётга татбиқ этишга эришганлар сиймосини қадрлаб, ёдгорликлар битилди.

Буюк мутафаккир Амир Темурнинг қонунчилик жараёнидаги, давлатни бошқаришдаги васиятлари ҳаётга татбиқ этила бошлади.

Унинг: «Энди менинг номдор, бахтиёр фарзандларим ва мамлакатларни забот этгувчи, иқтидорли набираларимга йўл-йўриқ шулки, мен ўн икки нарсани ўзимга шор қилиб олиб, салтанат мартабасига эришдим. Шу ўн икки нарса ёрдамида мамлакатларни забот этиб, салтанатимни бошқардим ва салтанат тахтига зебу зийнат бердим. Улар ҳам ушбу тузукка амал қилсинлар. Давлату салтанатимни ва ўзларни ахтиёт қилсинлар», — деган насиҳатлари бугунги кунда ҳам қадр-қимматга эга.

Демак, биз эски империя тузумида ман этилган, ҳаётимиздан ўчиб кетish хавфи бўлган халқимизнинг маданий қадриятларини, маънавий меросларининг қадр-қимматини тикладик. Шу билан бир қаторда Мустақиллик туфайли ўз Конституция ва қонунларимизга, давлат тилимизга, валютамизга, Президентимизга, ҳақиқий давлат органлари тизимига ва бошқа бир қанча мустақиллик рамзларига эга бўлдик. Буларнинг ҳаммасининг қадрига етиш ҳар бир ўзбекистонликларнинг бурчидир.

Маънавий қадриятлар халқ онига илк бор оилада сингдирила, шакллана бошлайди. Оила эса ўзаро қариндошлик муноса-

батларидаги одоб-ахлоқ билан чамбарчас боғлиқ. Оилада ота-она ўртасида тарбия, ахлоқ, қадр-қиммат бўлса, фарзандлар, қариндошлар ҳам ўзаро ёрдамлашиш, келажак авлод ҳақида гамхўрлик қилишни ўз қонидасига айлантиради.

Ота-онанинг фарзандларини тарбия қилиши, қонил инсон этиб шакллантириши, бурчлари ҳам дунёвий, ҳам диний қонун-қоидаларда кўрсатилган. Фарзандни инсон деб билиш, унга туғилган кунидан, балки туғилмасдан ҳам илғари, она қорнида-лигидан бошлаб, гамхўрлик қилиш ота-онанинг бурчидир.

Давлат томонидан ҳомиладор аёлга, ёш болали онага қилинадиган гамхўрликлар, оиладаги, қариндош-уруғлар ўртасида бўлган муносабатлар билан биргаликда амалга оширилади.

Бола соғлом дунёга келишига ота-она сабаб бўлади. Илгари-дагиларнинг бир-бирлиги бўлган қадр-қимматлари бола тарбиясига жуда катта таъсир кўрсатади. Бу олган тарбия, фарзанд улғайган сари ўз ижобий ёки салбий хислатларини кўрсата бошлайди.

Фарзанднинг эса ота-онасига бўлган бурчини воёга етган сари амалга ошириши унинг оилада олган тарбиясининг меvasиди. Буни ҳар бир оила, ота-она, қариндошлар билишлари шарт.

Маълумки, минг йиллар давомида Ўрта Осиё хилма-хил динлар, маданиятлар ва турмуш тарзлари ту-ташган ва тинч-тотув яшаган халқнинг маркази бўлиб қолди.

Багрикенглик, бир-бирига ёрдам бериш, инсонни қадрлаш, катталарни ҳурмат қилиш, шариат ва бошқа диний урф-одатларни амалга оширишда эркинликка эга бўлиш ва бошқа маънавий-ахлоқий тажрибаларга доим йўл қўйилган.

Бинобарин, мустақиллашган даврида ҳам диний-руҳий асосларни халқимиз қадрлаган, қимматини билган. Мустақиллик даврида эса дин маданияти тикланиб янада қадрлана бошланди.

Ҳозирги дунё ва ахборот цивилизацияси қадриятлари маънавий қадриятларимизнинг янада тикланишига ёрдам беради.

Бунда инсон ҳуқуқларига риоя этиш, тадбиркорлик эркинлиги, сўз, матбуот эркинлиги ва бошқаларни назарда тутиш лозим.

Бутун дунёдаги демократик қадриятларни билиш, уларга эришишда одамларнинг билимдонлиги, саводхонлиги муҳим аҳамият касб этади.

Фақат билимли, маърифатли жамиятдагина демократик тараққиётнинг барча афзалликларини қадрлай олишни ва аксинча, билими кам, оми одамлар авторитаризмини ва тоталитар тузумни маъқул қўришини ҳаётнинг ўзи ишонarli тарзда исботламоқда.

BUGUNNING
ҚАДРИ

Омина КАРИМОВА,
Низомий номи Тошкент Давлат педагогика университети
қошидаги ЮНЕСКОнинг «Фуқаролик таълими ва қадриятлари»
кафедраси мудири

• ТАДБИРЛАР

Давримизга мос бўлсин

Ҳақиқатан тўй — халқимиз орзиқиб кутадиган энг катта шодийна кун. Каттаю кичик учун қувончли тантана. Ҳозирги кунда тўй ва бошқа маърака-маросимларни ортиқча сарф-харажасиз ихчам, дабдабасиз, давримизга мос, мазмунли қилиб ўтказиш тўғрисида кўп гапирилмоқда. Лекин бу гаплар амалда ўз исботини топяптими?

Ҳинда Чилонзор туманидаги «2-Чарх Камолон» маҳалласида худди ана шу мавзуга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда маҳалла оқсоқоллари, фаол аёллар, тўй комиссияси аъзолари иштирок этишди. Йиғилишда шаҳар Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси Рихситилла Ақромов сўзга чиқиб жумладан шундай деди: «Халқимиз азалдан тўйларни севади. Тўй халқимизнинг ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Тўй қилиш орузи ота-болаларимиздан қолган удумларимиз, қадриятларимиздан ҳисобланади. Лекин ана шу чиройли удумларимизни оёғи ердан узилган баъзи манмансираган кимсалар ўзбошимчилик билан ким ўзарга дабдаба, катта сарф-харажатлар билан ўтказиб исрофгарчиликка йўл қўймоқдалар. Ўтган йили ойнаи жаҳон орқаи намойиш этилган, кўпчиликини бахс-мунозарага чорлаган «Қирқ тоғоранинг қирқ ногораси» кўрсатувидан кўпчилик ўзига тегишли хулоса чиқарди, баъзилар эса ҳали ҳам ўз билганларидан қолмай тўйлар-

ни дабдаба билан ўтказишпти. Ахир ортиқча сарф-харажат қилиб ўзини кўрсатишга, манманликка берилиш ўрнига ўша пулни оиланинг бошқа зарур муаммоларига ёки ўғил-қизининг хорижга бориб таълим олиши учун ёки бугунги кунда зарур бўлган компьютер сотиб олишга сарфласа яна ҳам фойдали бўлмасмикин».

Дабдабали тўйларнинг оқибати яхши бўлмапти, — дейди тадбирда сўзга чиққан II жаҳон уруши қатнашчиси Рауф Муҳаммадминов. — Мана, кўпчилик гўвоҳи бўляпти, маърака, маросимларини ҳам баъзилар дабдаба билан ўтказиб, ўзини кўрсатишга уринмоқда. Марҳумларни хотирлаш яхши албатта, лекин уни ихчам, меъёрида ўтказишса яна ҳам мақсадга мувофиқ бўларди.

Тадбирда сўзга чиққан маҳалла фаоллари, оқсоқоллар тўй-ҳашам ва бошқа маросимларни замонамизга мос, мазмунли, ихчам ва меъёрдан оширмастик зарурлиги тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Дилором ИКРОМОВА



Ёз мавсуми болажонларимиз учун айниқса қувончли ва завқли ўтмоқда. Улар ёзги таътилни шайримиздаги сўлим маданият ва истироҳат боғларидаги ўйингоҳларда, тоғ ён бағирларидаги оромгоҳларда яна ҳам мазмунли дам олиб, дилдан яйраб хордиқ чиқарган ҳолда ўтказишмоқда.

«Тошкент оқшоми»

**ҲУҚУҚИЙ
МАСЛАҲАТХОНАСИ****Қонунга ҳурмат ва
итоаткорлик – ҳаёт мезони**

(Кундалик ҳаётда учрайдиган айрим ҳуқуқий масалалар юзасидан 180 саволга 180 жавоб)

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида)

5.5. Қонун бўйича ворислик**158. Қонун бўйича меросхўрларни ворисликка чақиришда муайян навбатга риоя этилади деган гап тўғрими?**Қонун бўйича меросхўрлар ворисликка **Фуқаролик кодексининг 1135 – 1141-моддаларида** назарда тутилган навбат тартибда чақириладилар.**Фуқаролик кодексининг 1134-моддасида** белгилавишича, қонун бўйича ворисларнинг ҳар бир навбати аввалги навбатдаги меросхўрлар бўлмаган, меросдан четлаштирилган, меросни қабул қилмаган ёки ундан воз кечган тақдирда ворислик ҳуқуқига эга бўлади.**159. Кимларни қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислар деб ҳисоблайдилар?**

Мерос қолдирувчининг болалари, шу жумладан фарзандликка олинган болалари, эри (хотини) ва ота-онаси (фарзандликка олувчилар) тенг улушларда қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар.

Мерос қолдирувчининг вафотидан кейин туғилган болалари ҳам биринчи навбатдаги ворислар жумласига киради (**Фуқаролик кодексининг 1135-моддаси**).**160. Қонун бўйича иккинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига ким ҳақли?**Мерос қолдирувчининг туғишган ҳамда ота бир она бошқа ёки она бир ота бошқа ака-укалари ва опа-сингиллари, шунингдек унинг ҳам ота, ҳам она тарафдан бобоси ва буvisи тенг улушларда қонун бўйича иккинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар (**Фуқаролик кодексининг 1136-моддаси**).**161. Қонун бўйича учинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқи кимга тегишли?****Фуқаролик кодексининг 1137-моддасида** белгиланган қоидага мувофиқ, мерос қолдирувчининг туғишган амакиси (амакилари), тоғаси (тоғалари), аммаси (аммалари) ва холаси (холалари) тенг улушларда қонун бўйича учинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар.**162. Қонун бўйича тўртинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига кимлар эга бўлиши мумкин ва бундай тартибда мерос олишда бирин-бир имтиёз бериладими?**

Мерос қолдирувчининг олтинчи даражагача бўлган ва олтинчи даражадаги бошқа қариндошлари қонун бўйича тўртинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар.

Бунда яқинроқ қариндошлар узоқроқ қариндошларга нисбатан мерос олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўладилар.

Ворисликка чақириладиган тўртинчи навбатдаги ворислар тенг улушларда мерос оладилар (**Фуқаролик кодексининг 1138-моддаси**).**163. Қонун бўйича бешинчи навбатдаги ворислик ҳам бор дейишди. Агар чиндан ҳам шундай бўлса, бундай ворислик ҳуқуқи кимларга берилади?**Қонун бўйича бешинчи навбатдаги ворисликни белгилашда **Фуқаролик кодексининг 1139-моддасига** асослангилар.Мерос қолдирувчининг меҳнатга қобилиятсиз боқимлари (**165-саволнинг жавобига қаранг**), агар улар Фуқаролик кодексининг 1141-моддаси асосида мерос олмасалар, қонун бўйича бешинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар.**5.6. Тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича ворислик****164. Тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича ворисликнинг, қолаверса бундай ҳуқуқ амал қилишининг ўзига хос хатлари нимада?**

Тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича ворислик қонун бўйича меросхўр мерос очилганига қадар вафот этган тақдирда, унга тегишли улуш унинг авлодларига ўтишини назарда тутди. Бунда улуш қонун бўйича меросхўр, яъни тақдим қилинаётган меросхўр билан бир хил даражада қариндош бўлган авлодлар ўртасида тенг тақсимланади.

Бола, невар, чевара, эвара меросхўрлигида тақдим қилиш ҳуқуқи қариндошлик даражаси чекланмаган ҳолда амал қилади.

Ён қариндошлик бўйича меросхўрликда тақдим қилиш ҳуқуқига мерос қолдирувчининг туғишган ака-укалари (опа-сингиллари) номидан унинг жиянлари ёки мерос қолдирувчининг туғишган амакиси (тоғаси) ёки аммаси (холаси) номидан унинг амакиваччалари (тоғаваччалари) ва аммаваччалари (холоваччалари) эга бўладилар.

(Давоми бор)



Болалар кулгуси оламни тутсин.

Ҳақимжон Солиҳов олган сурат.

**БАЙРАМГА ШИРИН
СОВҒАЛАР****«Росси СА» Ўзбекистон – Россия – Болгария қўшма корхонасида** печенье ишлаб чиқарувчи янги линия ишга туширилди. У икки тартибда ишлашга мўлжалланган ҳамда тўрт тонна галет печенье ёки олти тонна шакарли печенье ишлаб чиқара олади. Ушбу замонавий ускунанинг нархи – 13 миллион сўм. Республикаимиз мустақиллиги байрамига қандолатчилар ширин совғалар тайёрламоқда.

Қўшма корхонада ҳаммаси бўлиб 80 хил турли ширинликлар тайёрланади. Печеньедан ташқари бу ерда бежирим қадокланган «Шарқ юлдузи», «Сюрприз», «Тантана» («Торжество»), «Ассорти» деб номланган кутили шоколадлар ишлаб чиқарилмоқда.

«Озиқовқатсаноат» уюшмасида ЎЗА муҳбирига хабар беришлари, тармоқдаги ҳар бир корхона ўз мавқеини оширишга, ишлаб чиқариш ҳажмини кўтариш билан бирга, маҳсулот хилларини ҳам кенгайтиришга интиломоқда.

Кўп йиллик тажрибага эга бўлган маҳаллий корхона — Янгийўлдаги «Лаззат» акционер-ишлаб чиқариш қандолатчилик бирлашмаси бу йўналишда етакчилик қилмоқда. Унинг активидидаги 150 турдаги маҳсулотнинг аксариятини ҳанузгача мевали, ёнғоқли, сутли

печеньелар, шунингдек, желели «Чиннигул» шоколадлари, «Летний», «Молочный», «Мальвина» ирислари ташкил қилмоқда. Янгийўллик қандолатчилар Қозоғистон ва Туркменистонда ўз савдо уйлари очди. Акционерлик бирлашмасида ишлаб чиқариш майдонларини кенгайтириш ва у ерда печенье, карамель ва шоколаднинг янги турларини ишлаб чиқарувчи замонавий линиялар ўрнатиш кўзда тутилмоқда.

Мамлакатимизда мевалар, сабзавотлар, ёнғокнинг мўл-қўлиги, ширин маҳсулотларга бўлган юқори талаб қўшма бизнес юритиш иштиёқида бўлган кўплаб чет эллик сармоядорларни тобора кўпроқ маҳаллий озиқ-овқат саноатига жалб қилмоқда. Янги тузилган бир қанча қўшма корхоналар қисқа вақт ичида нафақат ички

истеъмолчиларнинг ишончини оқлади. Қўшма бизнес ишлаб чиқариш даражасини оширишга, замонавий технологияларни жорий қилишга, рақобатбардош маҳсулот тайёрлашни йўлга қўйишга ёрдам берди. Айни пайтда унинг экспорти кенгайтирилмоқда. «УФУҚ», Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасининг ўзи Россия, Яман, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистонга қандолат маҳсулотлари юбормоқда. «Нема», «Рен-Ко», «Дж.Ф. Интернейшнл» қўшма корхоналарининг маркетинг сиёсати унли маҳсулотлар ва карамелларни ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилган. Мамлакатимиз мустақиллиги байрамига қандолатчиларимиз печенье, вафли, карамель, турли тортларнинг янги хилларини тайёрлашни мўлжаллаган.

**Олий адабиёт курсининг илк
қалдирғочлари**

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Олий адабиёт курсининг илк қалдирғочларига диплом топшириш маросими бўлиб ўтди.

Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов, олий ва Ўрта махсус таълим вазири С.Фулмоов, Ўзбекистон миллий университети ректори Т.Долимов ва бошқалар пойтахтимизда бундан икки йил муқаддам Олий адабиёт курси ташкил этилган мамлакатимизда адабиётни ривожлантириш, хусусан, ёш қаламкашларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва тарбиялаш ишига давлатимиз раҳбари томонидан берилаётган улкан эътибор натижаси эканини таъкидлади. Бу ерда тахсил олиш имкониятига эга бўлган ёшлардан келажақда забардаст ёзувчи ва шоирлар етишиб чиқишига умид билдирилди.

Курсда илк бор саккиз нафар ёш ижодкор — Хосият Рустамова, Жаҳонгир Холмирзаев, Нилуфар Сафоева, Даврон Ража-

бов, Гулчехра Зокирова, Маяғўзал Чориева, Неймат Сайидалиев ҳамда Ориф Ҳожиёв тахсил олди.

Олий адабиёт курсига, асосан, бадиий ижодда ўз овозига эга бўлиб бораётган иқтидорли ёшлар танлов асосида қабул қилинади. Улар Ўзбекистон Миллий университети профессор-ўқитувчиларидан йигирмага яқин фандан сабоқ олади. Шунингдек, таниқли ёзувчи ва шоирлар, адабиётшуно олимлар, танқидчилар билан қизқарли баҳс-мунозараларда иштирок этади.

Шуни айтиш жоизки, ҳозир нафақат мамлакатимиз, балки қўшни давлатлар ёш ижодкорлари орасида ҳам Олий адабиёт курсида тахсил олиш истагини билдираётганлар сафи кенгаймоқда.

(ЎЗА)

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб
Домо бўлур...

● Кимки бировларга ситам қилаверса, ўзи ҳам узоқ яшамайди. Бировга ситам қилган бўлса ёки сен бировга яхшилик қилган бўлсанг, ҳар иккаловини ҳам унут.

Муродинга етган вақтларингда ҳанда уриб қулмаки, атрофда турганларга хунук кўринади. Агар иш аксинча бўлса, гамгинлигингни бировга билдирма.

● Эй фарзанд, нафс куйига кириб, керагидан ортиқ молу-мулк топишга интилма. Ўзингни элу юрт олдида шарманда қилма.

Инсоннинг ҳаёти, роҳати — касб-хунар биландир. Замон маишат сармоёси, саъйи ҳаракат эса ҳаёт манбаидир. Одам замон соясида саъйи ҳаракат билан яшайди. Замонни саъйи ҳаракатга сарф этмаганлар учун ернинг ости билан усти фарқсиздир.

Кишининг касб-хунар ўрганмай беҳуда йўлларда умр ўтказиши айбдир. До-нишмандлардан бири айтди:

— Ҳар бир ишдаги муваффақият ҳаракат ва саъйи ғайрат орқасида ҳосил бўлади. Яққовлик, ишқамаслик, ҳалокатга сабаб бўлади. Касб-хунари бўлмаган киши тўқ бўлмайди.

● Қалби пок ота — пок авлод асосчисидир.

● Отанинг ўз уйига гам-хўрлиги деҳқоннинг ўз ерига ишлов бергани кабилдир. Ерга қанча кўп ишлов берилса — ҳосил шунча кўп бўлади.

● Илму-тавозе камтарлик билан вужудга келади.

● Отадаги фазилат унинг фарзандини элга машхур эта олмайди, боладаги фазилат эса отага шухрат келтиради.

● Яхши либос хусни оширса ҳам, ақлга зийнат бермайди.

● Ҳаёт: доно, иродали ва кучли кишиларга — жаннат; худбин, кўрқок ва умидсиз кишига жаҳаннамдир.

● Бир донишманд дебди: — Сопол жоминг бутунлиги чертиб билинганидек, одамга ҳам гапирган гапига қараб баҳо берилди.

● Ҳаёт дарсини ўқиб, олим бўлганда ҳам, яна бошқа билмаганларини сўраб ўрганиш донишмандлик белгисидир. Бу хусусда бир олим шундай деган экан:

— Менинг билимим мукамал эмас, чунки ўз вақтида ўзимдан бир поғона паст одамларга савол беришга бўйним ёр бермади. Эндилкида истардимки, менинг шогирдларим барча ноаниқ масалалар бўйича ўзларидан бир поғона паст одамларга мурожаат этишни айб деб билишмасин. Уларнинг билимлари ўшандагина мукамал бўлади.

Байт:
Кимки ўрганишни уят —
ор демас,
Сувдан дур топади,
тошдан лаъл олмас.



Фарида Азъмхўжаеванинг асли касби шифокор-косметолог. Яқинда Миробод туманида у ўзининг маиший хизмат кўрсатиш шохбчаси — аёллар ва эр-каклар сартарошончасини очди. Эътиборли томони шундаки, сартарошонда ногирон ва фахрийларга бе-пул хизмат кўрсатилмоқда.
СУРАТДА: Ф. Азъмхўжаева мижозга хизмат кўрсатмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН УЧУН АВТОМАШИНАЛАР

АҚШ ҳукумати томонидан Ўзбекистон Давлат чегарасини кўриқлаш кўмитаси ва Давлат Божхона кўмитасига 800 минг АҚШ доллари қийматидаги 146 та УАЗ русумли автомобиллар топширилди. Автомобилларни Давлат чегарасини кўриқлаш кўмитаси раиси ўринбосари Рашид Ҳабиев ва Давлат божхонаси кўмитаси раиси Ботир Парпиев қабул қилиб олди. Шунингдек, маросимда Ўзбекистон ва АҚШ ҳукуматлари вакиллари ҳам иштирок этишди.

Умумий қиймати 800 минг АҚШ долларидан кўпроқ бўлган бешта УАЗ 31602, ўн та УАЗ 3962, элик бешта УАЗ 33036 ва етмиш олпита УАЗ 3153 автомобилларни мазкур кўмиталар ходимларининг ўз вазибаларини бажаришларида қўл келадди. Ушбу автомобиллар АҚШ Давлат департаменти томонидан молиялаштирилган "Экспорт Назорати ва Чегара хавфсизлиги дастури" (EXBS) доирасида тақдим этилди.

АҚШнинг Божхона ва Чегарани кўриқлаш агентлиги томонидан амалга оширилган EXBS дастури оммавий қирғин қуроллари тарқалиши, уни етказиш йўллари тизими, у билан боғлиқ технологияларни ва бошқа турдаги қуролларнинг барҳам топишига ёрдам беришни кўзда tutади. Мамлакатимизда мазкур дастур, экспорт назорати соҳасига оид кенг қўламли ёрдам — лицензиялаш ва ҳуқуқий семинарлардан тортиб то техник жиҳозлар тақдим этиш ҳамда чегара хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартибот маҳкамалари ходимлари учун

тренинглр ўтказишдан иборат. Дастур доирасида тақдим этиладиган жиҳозлар қаторига алоқа, кўзатув ва топиш, химоя жиҳозлари ва тиббий ускуналар, транспорт ва автомобиллар ҳамда катерлар киритилган.

2000 йилдан буюн EXBS дастури жиҳозлар ва тренинг тарзида Ўзбекистон ҳукуматига 3,5 миллион АҚШ доллари тақдим этган. Бу йилги жиҳоз ва тренинг тарзида бериладиган ёрдамнинг миқдори 6 миллион АҚШ долларидан зиёд бўлади. Келгуси 2 ой давомида бериладиган жиҳозлар қаторига қиймати 1,7 миллион АҚШ долларига тенг 3778 та Моторола радиоси, 1 миллион 123 минг АҚШ долларига тенг 45 та юк машинаси ва 330 минг АҚШ долларига тенг тунда қуриш жиҳозлари бор. Навбатдаги ёрдамлар қаторида 6,5 миллион АҚШ доллари миқдоридagi иккита вертолёт тренажери ва 5,8 миллион долларга тенг иккита катер тақдим этилиши режалаштирилмоқда.

НАШР ЭЛЕКТРОН
КАТАЛОГДА

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси хазинасида 130 миллион нусхадаги турли нашрлар бор. Улар орасида ўтмишимиз, маданиятимиз, урф-одатларимиз ҳақида ҳикоя қилувчи ноёб китоблар ҳам талайгина. XIX асрда чоп этилган «Туркистон тўплами» китоби эса кутубхонанинг энг қамёб адабиётларидан бирига айланган.

Деярли 600 жилддан иборат мазкур нашрнинг электрон каталоги яратилди. Ушбу каталог Туркистон ўлкаси маданияти тарихи тўғрисидаги нашрий маълумотларни электрон усулда ўрганиш имконини беради. Шунингдек, нашрни ўзбек тилига таржима қилиш ҳам кўзда тутилди.

ФОЛИБ ФРАНЦИЯГА
БОРАДИ

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида чет тиллар бўйича фан олимпиадаси ўтказилди. Унда француз филологияси факультети талабаси Баҳраёт Мирпўлатов голиб бўлди.

У олимпиада голиби сифатида Францияда ўтказиладиган халқаро санъат фестивалида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. У жорий йилнинг август ойида Франциянинг Ля Рашел шаҳрида ўтказиладиган санъат байрамида қатнашиб, ўз иктидорини намойиш этади.

«Туркистон-пресс»

Британияда Ўзбекистон
тақдимоти

Мана бир неча йилдирки, «Британия-Ўзбекистон» дўстлик жамиятининг йиллик йиғилишини Британия Парламенти биносида ўтказиш анъана тусини олди. Марказий Осиё давлатлари билан алоқа ўрнатиш парламентларо гуруҳининг раҳбари Жим Казинс ва Ўзбекистон Республикасининг Лондондаги элчихонаси кўмағида ўтказилди.

Бу сафарги йиғилиш Ўзбекистондаги инвестицион иқлим намойишига бағишланди. «Британия-Ўзбекистон» дўстлик жамияти президенти сар Т.Сейнсбури ва жамият раиси доктор Х.Бут кириш сўзлари билан йиғилишни очиб беришди.

Британиянинг «Оксус Голд» олтин қазиб олиш компанияси директори жаноб Р.Вилкинс Ўзбекистондаги Амантайтау олтин қонида олиб борилаётган ишлар рисоладагидек кетаётганини баён қилди. Жаноб Вилкинсининг айтишича, компания йил охиригача Ўзбекистонда дастлабки олтин қазиб олишни йўлга қўйишни ва келгуси йилларда уни 190 минг унциягача оширишни режалаштираётган экан.

Йиғилиш охирида сўнгги йилларда жаҳон миқёсида сугурта хизмати кўрсатаётган ва қисқа вақт ичида хорижлик ҳамкорлари орасида яхши ном қозониб улгурган «Ўзбекивест Интернейшнл» компаниясининг намойиши бўлиб ўтди. Ўз фаолияти давомида «Ўзбекивест Интернейшнл» компанияси Сити Банк, Стандарт Банк ва Оксус Голд каби жаҳоннинг етакчи банклари ва корпорациялари 100дан ортиқ сугурта хизматларини кўрсатганлиги таъкидланди.

«Британия-Ўзбекистон» дўстлик жамияти йиғилиши ва «Ўзбекивест Интернейшнл» компанияси намойиши Буюк Британия олимлари, сиёсатшунослари ва ишбилармон доира кишилари орасида катта қизиқиш уйғотди.

Шерзод УМАРОВ,
«Жаҳон» АА, Лондон

• ТАДБИРЛАР

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ва Республика «Нуроний» жамғармаси томонидан шахримиздаги «Нуронийлар оромгоҳи»да фахрийлар ва ёшларнинг анъанавий учрашуви бўлиб ўтди.

ИККИ
АВЛОД
УЧРАШУВИ

«Икки авлод учрашуви» деб номланган ушбу тадбирда мамлакатимизнинг ривожига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшган нуруний ва фахрий отахон ҳамда онахонлар билан бирга Зулфия номидаги Давлат мукофоти, «Ниҳол» мукофоти, Президент стипендиyasi соҳиблари, хорижий давлатларда тахсил олган ёш йигит-қизлар иштирок этишди.

Ёшларга тарихимизни тўғри ўргатиш, келажак ворисларига кечгаи ва бутунги кун ютуқ-камчиликларини кўрсатиш, нурунийларимизнинг буюк ҳаётий тажрибаларидан ўзларига керакли хулосалар олиш мақсадида ўтказилган учрашувда ёшлар ўзларини қизиқтирган саволлар билан отахон-онахонларга мурожаат қилишди.

«Обод маҳалла йили» дастури бўйича ўтказилган тадбирнинг юқори савияда ўтишини таъминлаш мақсадида танikli фан, давлат, санъат арбоблари, етуқ шоир ва ёзувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ўз ҳаётлари, илм-фани эгаллашдаги машаққатли жараёнлар тўғрисида ёш йигит-қизларга сўзлаб бердилар.

Учрашувда хушовоз санъаткор Коммуна Исмоилова томонидан ижро этилган хоразмча қўшиқлар ёшларимиз қалбида абадий қолиши шубҳасиз. Шунингдек, «Нуроний» жамғармаси томонидан ёшларга тақдим этилган китоблар ушбу учрашувдан ҳақиқий эсдалик совғаси бўлди.

Орзуғул РУСТАМОВА

• ҲАМКОРЛИК

ЎНТА ФИЛЬМНИНГ
БИРИНЧИСИ

Қуни кеча пойтахтимиздаги Япония маданият маркази одатдагига нисбатан анча гажам бўлди. Марказда амалга оширилган навбатдаги тадбир «Хириги» номли янги ҳужжатли фильм тақдимида бағишланди.

Ўтган асрнинг ўрталарида тақдир тақозоси билан юртимизга келиб қолган япон фуқароларининг ҳаётига бағишланган ушбу фильм «АЯ» фирмаси студияси томонидан яратилган бўлиб, унга японияликлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшишган.

Фильмга тошкентлик тадбиркор Жалил Султонов продюсерлик қилган. Фильм сценарийси ёзувчи Эркин Усмонов қаламига мансуб бўлиб, постановкачи режисёр Эргаш Нормуродов. Тасвирларни кинооператорлар Саидботир Ахмадхўжаев ва Борис Лебедевлар суратга туширишган. Танikli бастакор Анор Назаров унга мос куйлар басталаган.

Тақдимотда ўзбекистонлик ва япониялик меҳмонлар иштирок этиб, фильмини ҳам ўзбек, ҳам япон тилларида қўришга муяссар бўлдилар.

Продюсер Жалил Султоновнинг айтишича «Хириги» шу мавзуда режалаштирилган 10 та ҳужжатли фильмининг биринчисидир. Хозирда иккинчи фильм устида иш бошланган. Янги фильм японияликларнинг Тошкент шаҳрида кечган унутилмас кунларига бағишланади.

Адибахон ҒАЙРАТ қизи.

Спорт

Пойтахтликлар галабаси

Футбол бўйича мамлакат XII миллий чемпионати иккинчи давра беллашувларида жиддий ҳозирлик кўраётган олий лига жамоалари оралиқ танаффусда ўзаро ўртоқлик учрашувлари ўтказмоқдалар. Куни кеча Тошкент шаҳрида мамлакатимизнинг икки етакчи жамоалари «Пактакор» ҳамда «Навбахор» ўзаро куч синашди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, иқтидорли мураббий Виктор Жалилов иккинчи даврадан бошлаб Наманганнинг «Навбахор» жамоасини бошқаради. Шу боисдан ҳам учрашув анча кескин ва муросасиз кечди. Аммо учрашувда ҳисобни пахтакорчиларнинг умидли, ёш ҳужумчиси Марат Бикмаев очди. Шундан сўнг майдонда тўлиқ устунлик қилган тошкентликлар яна икки мартаба меҳмонлар дарвозасига тўп киритишга муваффақ бўлишди. Хуллас Анвар Фофоров, Миржалол Қосимов («Пактакор») ҳамда Шухрат Мирҳолдирашевлар («Навбахор») томонидан дарвозаларга аниқ йўланган голлар ҳисобига қизикорли учрашув 3:1 ҳисобида тошкентликлар галабаси билан аяқланди.

Ҳамюртларимиз Грецияга боришади

Испанияда синхрон сузиш бўйича уюштирилган турнир мамлакатимиз вакилларига омад келтирди. Муҳир сузувчилар Дарья Мोजаева ҳамда Наталья Корнеевалар ушбу мусобақаларда бор маҳоратларини намойиш этишиб муваффақият қозонишди. Эндилкида Дарья Мोजаева ва Наталья Корнеева Греция пойтахти Афинада ўтадиган олимпиада мусобақаларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қиладилар.

Келгуси режалар белгиланди

Шу кунгача халқроқ мусобақаларда юртимизга 44 та олтин, 39 та кумуш ва 40 га яқин бронза медалларини тўхфа қилган боксчиларимиз яқиндагина Таиланддан қайтиб келишди. Шуни таъкидлаш жоизки, Таиландда ўтказилган жаҳон чемпионати баҳслари ҳамюртларимизга 1 та кумуш ва 2 та бронза медалларини ҳамда этгани қўнчиликка маълум. Дарвоқе, тан олиш керак, ушбу нуфузли турнирда боксчиларимиз аввалгиларига қараганда паст натижага эришишди. Очинини айтганда жаҳонда кучли бокс мактабига эга бўлган мамлакатимиз учун бу кўнжарли ҳол эмас. Шу боисдан ҳам бокс соҳасида янада жиддий ихлоотлар, янгиланишлар бўлишига эришиш лозим. Дарвоқе, келгусида Филиппинда ва Хитойда ўтадиган халқроқ мусобақаларда ўзбекистонлик чарм кўлқоп усталарининг ҳам қатнашиши кўзда тутилган. Албатта боксчиларимизнинг ушбу турнирларда юксак натижаларни кўлаб ҳаракат қилишлари аниқ. Бу борада ҳозирдан тайёргарлик машғулотларини бошлаб юборган Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларига муваффақият ёр бўлсин. Республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида спортимиз мутасаддилари, Ўзбекистон бокс федерацияси вакиллари, мутахассислар, мураббийлар, чарм кўлқоп усталари иштирокида уюштирилган йиғилиш юқоридаги масалаларга бағишланди. Ва унда келгуси режалар муҳокама этилди.

Акбар Йўлдошев

— Қизим, қаранг, шу уйимиз атрофини, йўлакларини фаррош аёл эрталабдан чинни чироқдек қилиб тозалаб кетганди. Атрофнинг саришталгини кўриб баҳри-динг очиларди. Энди қаранг, мана бу ноҳуш ташарага. Болалар бир пасда ҳаммаёқни ифлос қилиб ташлашди. Оналар болаларига чор-атрофни тоза сақлашмиз кераклиги ҳақида уқтириб қўйсалар бўлади-ку. Ахир уйимизда бир донга увоқ тўкилса болага танбех берамиз. Ҳовли ҳам ўзимизники-ку. Болаларимиз ораста жойда ўйнаса бунинг нимаси ёмон? Бунинг файзи бошқача-ку. Шинамлика не етсин. Болага ҳозирдан шулар ҳақида тарбия берилмаса қачон берилари?

Қўшим минг бора ҳақ эди. Ҳақиқатан ҳам чор-атрофда меvasи учун шохи билан синдириб олинган дарахт бутқоқлари, елим сув идишлари, музқаймоқдан бўшаган қоғоз қутилар сочилиб ётар, гўё бу ерларга анчадан буён спурлги тегмагандек эди.

— Ҳа, болалар ҳозир таътилда. Уларга қўшилиб кўпчилигининг боғчадаги укалари ҳам бирга. Уззу кун ҳовли тўла бола. Назоратсиз қолишгач, мана шунақа аҳвол юз бериши тайин. Бу нарсалар киши назарида иқир-чиқирдай туюлиши мумкин, аммо унинг туб моҳиятига назар соладиган бўлсак, бутунлай бошқа ҳолга дуч келамиз. Қайси оилада болага жуда барвақт кишилар ме-

натини қадрлаш, ҳурмат қилиш лозимлиги уқтирилган экан ўша болада ҳеч қачон салбий хусусиятлар пайдо бўлмайди. У нафақат уйда, балки кўча-кўйда ҳам шу олган тарбиясига доимо риоя қилади. У ҳовлиларининг саришталга бўлиши учун азонлаб меҳнат қилган фаррошга ҳам, унинг меҳнатига ҳам ҳурмат билан қарайдиган бўлади. Баъзан боланинг қўлига ахлат челагини тутқазиб, уни тўкиб келиши бюраммиз. Аммо бола махсус ахлат тўкиш қутисигача боришга эринибми, шундоққина ариққа ағдариб, шошилганча уйига қайтади. Онаси томонидан бюрилган иш бажарилди, вассалом. У ўз зиммасидаги масъулиятдан соқит бўлди.

Бола — барибир бола-да, деймиз. Йўқ, ундай эмас. Аксинча, унга катталардек, ишонч билан қарашимиз, камчиликларини босиқлик билан тушунтириб, аъло даражада бажарган юмушлари учун озгина рағбат ҳам лозимлигини унутмаслигимиз керак. Бирор ишни бююрганда, албатта, унинг бажариш жараёнида хато бўлишига йўл қўймамлика болани ўргатайлик.

Кўп қаватли уйларда жамланган оилалар ўша жойнинг саришталига доим масъулдирлар. Биз катталар болаларини унутмасак фарзандларимиз ҳам бизнинг изимиздан боради.

Сайёра СУННАТОВА

• МУЛОҲАЗА

Саришталикка ҳаммамиз масъулмиз

Ишдан қайтаётиб, йўлакда қўшим бўлмиш кекса аёлни учратиб қолдим. У ҳол-аҳвол сўрашиб бўлгач, бошини сарак-сарак қилганча ҳам ачиниш, ҳам жаҳли чиққаннамо оҳангда гап бошлади:

Бир куннинг ҳикматлари

Инсон ҳаётида бир куннинг ичидан қанчадан-қанча ўзгаришлар содир бўлади. Унда ижобий ва салбий соатлар бўлиб, бу инсон ҳаётида катта аҳамиятга эга. Агар бу соатларга амал қилиб яшасак, ўз самарасини беради. Инсон ўз ҳаётида фаол бўлажак соғлигини асраш учун нималарга амал қилиши кераклигини билиб олмоғи фойдалидир. Мутахассисларнинг фикрига кўра 24 соат куйидагича тақсим қилинган.

03.00-04.00. Упка учун тоза ҳаёт жуда зарур. Чунки бу пайтда ўпканинг касалланишига қулай вазият тугилади. Нафас қисими билан касалланган беморларнинг қонида йиринглашни кўпайтирадиган моддалар ҳаракати фаоллашади, нафас йўллари сиқилади. Бу ҳолатдан қўтилиш учун тоза ҳаводан тўйиб нафас олиш керак. Бу соатда қон босими кўтарилади, юрак хуружи кўпаяди.

05.00-06.00. Бу соатда вуждимиз уйғонади. Агар чўзилиб ётаверсак, қувватимиз беқорга сарф бўлади. Бу соатда буйрақлар фаоллашган бўлади. Уйқудан кейин пешоб йўли бўшатилмаса, организмда за-

рарли моддалар чўкиндиси пайдо бўлиб, инсонни қийнаб қўяди.

07.00-09.00. Бу вақт овқат ҳазм қилиш тизимининг энг фаоллашган пайти. Бу соатларда юрак хуружи ортганлиги сабабли тамаки чекиш тавсия қилинмайди.

09.00-10.00. Организмни ҳимояловчи ҳужайраларнинг энг тинч пайти. Бу соатда ичилган спиртли ичимликлар жуда зарарлидир. Мушакларни чинқиртириш учун жуда яхши соат ҳисобланади. Уқилган нарса яхши ёйда қолади, жисмоний куч юқори савияда бўлади. Кўнгилда хотиржамлик ва сокинлик ҳукм суради.

11.00-12.00. Куннинг энг фаол қисми ҳисобланади. Қўйинчилик онларига вужудга яхши фикрлар бериб, ҳиссий дам олиш мумкин.

13.00-14.00. Бу пайтда вуждимиз чарчайди ва гафлат босади. Таомни кўпроқ истеъмол қилган бўлсангиз уйку ва гафлат яна кучаяди. Тишини доволамоқчи бўлганлар учун шифокорга мурожаат қилиш учун энг яхши пайт.

15.00-16.00. Энергия орқага қайтади. Томирларга кўп қон

келганидан инсон камроқ тейлайди. Фаоллик камаяди.

17.00-18.00. Фаоллик яна кучаяди. Бу соатларда ейлган овқатлар яна ҳам мазалироқ туюлади. Там ва ҳид билиш органларининг иши фаоллашади. Буйрак яхши ишлайди, соч ва тириклар тез ўсади. Кечки таомларни ейиш учун қулай пайт.

19.00-20.00. Қон босими ва томир уриш пасаяди. Стресс ҳолати камаяди. Ҳайдовчилар тез ҳаракат қиладилар. Антибиотиклар жуда яхши таъсир кўрсатади.

21.00-22.00. Асаб тизими ўз вазифаларини бажаришда секинлашади. Болаларнинг ривожланишида энг унумли пайт. Болаларимиз асабийлашмасликлари ва ётиб ухлашлари тавсия этилади.

23.00-24.00. Бу соатларда дам оламиз.Ярим кечада ёки ундан кейин ухлаш яхши натижалар беради.

01.00-02.00. Энг пассив пайт. Бу соатда умуман диққатни, ҳушёрликни йўқотамиз. Ҳайдовчилар жуда эҳтиёт бўлишлари керак, чунки йўл тасодифларнинг кўпи шу соатларга тўғри келади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар, Миробод тумани ҳокимининг 2003 йил 22 июлдаги №1178-сонли қарорига асосан «Тошкент шаҳар хусусийлаштиришга кўмаклаши консалтинг маркази» давлат унитар корхонасининг ҳуқуқий мактаби «Тошкент шаҳар баҳолаш ва консалтинг маркази» масъулияти чекланган жамияти бўлиб ўзгарганлиги муносабати билан «Тошкент шаҳар баҳолаш ва консалтинг маркази» МЧЖ «Тошкент шаҳар хусусийлаштиришга кўмаклаши консалтинг маркази» ДУКнинг ҳуқуқий вориси ва барча мажбуриятлари бўйича жавобгар деб ҳисобланади.

Барча турдаги ариза ва талаблар ушбу эълон берилган кундан бошлаб икки ой мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун телефон: 133-35-46.



Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39, факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет услубида босилади. 4204 нусxada босилади. Қоғоз биринчи А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-роқами билан рўйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойларини почта бўлимига ёки «Тошкент почтабинти» — 133-7405 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбоа ширкатидаги компьютеризация бўлимида. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.